

ЁШЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА ГИГИЕНАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА “КЛАСТЕР” ИНТЕРФАОЛ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Фаргона давлат университети
Ш.Абдулатипова, Ё.Қаюмова

Аннотация: Ушбу мақолада педагогик технологиянинг “Кластер” усули ва уни Ёшлар физиологияси ва гигиенаси фанини ўқитишда фойдаланиш ҳамда физиологик фаолиятларни тушуниш, идрок этиш ва анатомик, физиологик атамаларни ўзлаштиришдаги аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Annotation: This article introduces the introduction into pedagogical technology of the "Cluster" and its use in teaching the subject of “Age physiology and hygiene”, as well as the importance of understanding physiological activity and anatomical and physiological terms.

Аннотация: В этой статье представлено введение в педагогическую технологию «Кластер» и ее использования в преподавании предмета возрастная физиология и гигиены, а также важность понимания физиологической деятельности и анатомических и физиологических терминов.

Интерфаол усулларнинг машғулотларда қўлланилиши талабаларнинг жараёнда тўлиқ пасив ҳолатидан фаол ҳолатга ўтказилиши ва билимларни тез ва осон ўзлаштирилишини ҳамда ўқувчи-талабаларни ижодий фикрлашга, олинган ахборотларни фаолликда ҳал этиш, фикрни эркин баён этиш, ташаббускорликка, гуруҳларда масалалар ечимини топишга, ҳамкорликда иш юритишга фикрни ёзма равишда баён этишга чорлайди.

Интерфаол метод асосида дарсни ташкил этиш шундай кечадики, бу жараёнда бирорта ҳам ўқувчи-талаба четда қолмайди, яъни улар кўрган, билган, ўйлаган фикрларини очик-ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар. Ўқувчи-талабалар ҳамкорликда ишлашда мавзу мазмунини билиш ўзлаштиришда ўзларининг шахсий ҳиссасини кўшиш имкониятига эга бўладилар. Ўзаро билимлар, ғоялар, фикрларни алмашиш жараёни содир бўлади. Янги билимларни олиш, ўзлаштиришга ҳавас ортади, шу жараёнда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро дўстона муносабатлар вужудга келади. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта [1].

Интерфаол усуллардан графикли органайзерлар фикрий жараёнларни кўргазмаларни тақдим этиш воситаси бўлиб, маълумотларни тартиблаштириш ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари ҳисобланади [2]. Графикли органайзерга “Кластер”, “Венн”, “Т-схема”, “БББ” ва бошқалар

кириб, улардан тизимли фойдаланиш машғулотларни қизиқарли, ва самарали бўлишини таъминлайди ва буларга талабалар фаоллигининг ортиши билан эришилади. “Ёшлар физиологияси ва гигиенаси”, “Валеология”, “Анатомия” ва бошқа медицина фанларини ўқитишда бундай усуллардан фойдаланилиш таълим жараёнининг, айниқса, такрорлаш ҳамда мустаҳкамлаш қисмларида кенг фойдаланиш имкониятини яратиб талабаларда фанлар бўйича билимларни ривожланиши, фикрлаш доирасини кенгайтиришга, янги материални тез ўзлаштирилиш имкониятини яратади.

«Кластер» (*гунча, боғлам*) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муйян шакли бўлиб, у ўқувчи-талабаларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. «Кластер» методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади [1]. Шунингдек, мавзу бўйича билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига янги ўзаро боғланишли маълумотларни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради. Кластерни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда бажарилиши ҳам талабаларни жараёнда тўлиқ ва фаол қатнашишларига, билимлар манбаини кўпайтиришга ва ўзаро маълумотлар алмашишини ҳисобига талабалар томонидан янги мавзунини тез ва осон ўзлаштирилиши таъминланади. “Кластер”нинг хусусиятларидан яна бири таълим технологияси сифатида тўлиқ дарс жараёнда ёки жараённинг маълум бир қисмларида фойдаланиш мумкинлиги бўлиб, мавзунини ҳар бир режаси бўйича “Кластер”лар яратиш ва уларни умумлаштириш имкониятини ҳам яратиб беради.

“Ёшлар физиологияси ва гигиенаси” дарсларини ташкиллаштиришда педагогик технологиянинг “Кластер” методи муайян мавзунинг ўқувчи-талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, танқидий фикрлашга, мураккаб масалаларни таҳлили асосда ечимини топишга, шунга яраша ахборотни излаш, айрим альтернатив фикрларни ўзаро мунозараларда эркин баён қилишга ўргатиб кўникмаларни шакллантиради.

“Ёшлар физиологияси ва гигиенаси” фани бўйича дарсларини ташкиллаштиришда педагогик методлардан бўлган “Кластер” органайзеридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, тадқиқотларимизнинг асосий вазифаси этиб қуйидагиларни белгилаб олдик:

- физиологик жараёнларни тизимли равишда ўрганилишини таъминлаш;

- таянч физиологик билимларни фаоллаштириш;
- мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини фаоллаштириш;
- муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ҳал қилиш ечимини топиш кўникмаларини ривожлантириш;
- физиологик атамалардан унумли фойдаланиш ва таҳлил этиш;
- илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш;

Кўриш анализаторининг ёшга хос хусусиятлари”мавзусида “Кластер” органиайзидан фойдаланиш



Юқоридаги Кластердан кўриниб турибдики, талаба мавзу асосида умумий маълумотлар кўлаמידан керакли қисмини ажратиб олиши, маълумотларни саралаш жараёнида таснифлаши талаб этилади. Кластер методидан фойдаланиш орқали олинган билимлардан осонлик билан кўникма шакллантириш мумкин.

“Кластер” органиайзидан яна бири шундан иборатки, маълумотларни такрорлаш билан бирга ўқувчи-талабаларни қисқа ва узоқ муддатли хотираларини ривожланишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Кластер” ва бошқа графикли органиайзерлар дарс жараёнининг самарали ўтказилишини, билимларни ортиб бориши ва ривожланишини, ўқувчи-талабаларнинг эгаллаётган билим, кўникма ва малакаларни мустақил равишда мустаҳкамлашга, ёрдам беради. Ўқитувчи бу жараёнда ўқувчи-талаба ва жамоавий гуруҳларнинг шаклланиши, уларнинг билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, бошқарувчанлик, йўналтирувчилик вазифасини бажариб, ўқув жараёнида уларнингижодий фикрлашига ёрдам беради. Мавзуни амалий жиҳатдан ёритилиб берилиши, физиологик фаолиятларни тушуниш, идрок этиш ва анатомик, физиологик атамаларни ўзлаштириш моҳиятини тушуниб этишда ҳам муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атаева Н., Салаева М., Ҳасанов С.. Умумий педагогика (Педагогика назарияси ва амалиёти асослари). Дарслик. II китоб. – Т.: 2013, 928 б.
2. Голиш Л. В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий қўлланма / Таълимда инновацион технология серияси. – Т.:2010.-149 б.
3. Qayumova, Y., & Urmonova, D. (2023). EXCLAVAS OF UZBEKISTAN - COMPARATIVE ANALYSIS OF THE ICHTIOFAUNALS OF SHAHIMARDAN AND SOKH. *Scientific Journal of the Fergana State University*, 29(4). Retrieved from <https://journal.fdu.uz/index.php/sjfsu/article/view/30>
4. Qayumova, Y., & Komilova, X. (2023). ON THE COMPARATIVE ANALYSIS OF THE MORPHOMETRIC CHARACTERISTICS OF THE TURKISH SAND FISH GOBIO LEPIDOLAEMUS (K.KESSLER1872). *Scientific Journal of the Fergana State University*, (3), 156. Retrieved from <https://journal.fdu.uz/index.php/sjfsu/article/view/2622>
5. Каюмова, Ёркиной Кабиловна, et al. "ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ ВАЛЕОЛОГИИ." *Вестник науки и образования* 9-2 (112) (2021): 16-20.
6. Каюмова, Ёркиной Кобиловна, and Дилдора Икромжоновна Комилова. "Биология гусеницы гранатовой плодожорки (Euzophera Bigella Zeller)." *Проблемы современной науки и образования* 10 (143) (2019): 12-14.
7. Каюмова, Ё. К., Д. Э. Урмонова, and А. М. Мирзалиев. "БИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ГРАНАТОВОЙ ПЛОДОЖОРКИ (EUZOPHERA BIGELLA ZELLER, 1848) В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ." *The Way of Science* (2014): 8.
8. Yoqubov, Abutolib Ahmadali O'G'Li, and Mahmudov Uchqunbek O'G'Li Mirmuxsin. "Komplementar irsiylanishga doir masalalarni yechishda x2 metodi asosida f2 dagi ajralishni statistik usulda tekshirish." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.1 (2022): 270-284.
9. Mirzakarim o'g'li, Mirzaxalilov Mirabbos, and Yoqubov Abutolib Axmadali o'g'li. "MATBUOT KONFERENSIYASI DARSIS MISOLIDA G'O'ZA GENETIKASI VA SELEKSIYASI MAVZUSI DOIRASIDA O'QUVCHILARNI BILIM VA KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH USHLBLARI." *Новости образования: исследование в XXI веке* 1.4 (2022): 510-514.
10. Yokubov, Abutolib. "UV LIGHT TRAPS: SUSTAINABLE TURNIP MOTH CONTROL FOR IMPROVED COTTON YIELD." *International Conference on Management, Economics & Social Science*. Vol. 1. No. 3. 2023.